XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 29 - dekabr VI-79-250-7-0-K/22 Samarqand viloyat hokimligi

Самарқанд вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Бюджет кодексининг 99-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосарининг 2022 йил 22 декабрдаги (1061/01-30-сонли) билдиргиси, вилоят Молия бош бошқармасининг 2022 йил 20 декабрдаги (01/01-38/946-сонли) хулосаларини инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши олтинчи чақириқ етмиш тўққизинчи сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонунига (кейинги ўринларда -Қонун деб аталади) мувофиқ, Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 4 958,8 млрд.сўм, харажатлари 7 155,0 млрд.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 2 196,2 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

2023 йил учун Самарқанд вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага мувофиқ;

2023 йил учун вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ;

2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

2023 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ;

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Самарқанд вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

2023 учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ;

2023 йил учун вилоят бюджетидан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 22,7 млрд.сўм миқдорида белгилансин.

5. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2023 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг (бундан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш маблағлари мустасно) камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда ушбу қарорга ўзгартиришлар киритилмайди.

6. 2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 13 275,0 млн.сўмни ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2023 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

8. Қонунга мувофиқ, 2023 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик

даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

норудақурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

айланмадан олинадиган солиқ;

Давлат объектларини ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишли молия йилидан олдинги йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Самарқанд вилояти статистика бошқармасидан олинган туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.

б) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонунчиликда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши белгиланган тушумлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар)ва ажратмалар;

давлат активларини сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар.

в) вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

бензинни, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга)

рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 100 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) ҳамда фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) шаҳар ва туманлар ўртасида тақсимлансин.

9. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари котибияти (К.Хушбаков), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Инагамов) шаҳар ва туман ҳокимликлари ва масъул бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

10. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари котибияти (К.Хушбаков), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

бюджет даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

солиқ базасини кенгайтириш, иқтисодий салоҳиятни ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан қатъий назоратни ўрнатиш;

тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича

ҳисоботларини халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашларига киритиб борилишини таъминласин.

11. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев), вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари котибияти (К.Хушбаков), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Инагамов), шаҳар ва туман ҳокимликлари:

2023 йилнинг март (I чорак учун), июнь (II чорак учун), сентябр (III чорак учун), декабрь (йиллик) ойларининг дастлабки ўн кунлигида вилоят, шаҳар ва туманларида дастлабки икки ойликда давлат бюджети ва маҳаллий бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари, маҳаллий бюджет даромадлари бажарилиши ҳолати, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланишини чораклик ижросини таъминлаш юзасидан шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, давлат солиқ инспекцияси ва молия бўлими бошлиқлари иштирокида муҳокамалар ўтказилишини таъминласин;

Ҳар чорак якунида вилоятнинг ҳамда шаҳар ва туманларда давлат бюджети ва маҳаллий бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари, маҳаллий бюджет даромадлари бажарилиши ҳолати, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланишини таъминлаш юзасидан сусткашликка йўл қўйган шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, давлат солиқ инспекцияси ва молия бўлими бошлиқларининг ҳисоботини эшитилиши юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига таклифлар киритиб борсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари котибияти (К.Хушбаков) зиммасига юклансин зиммасига юклатилсин.

13. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси **Э.Турдимов**

Xalq deputatlari Samarqand viloyat
Kengashining
2022 yil 29 dekabrdagi
VI-79-250-7-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

2023 йил учун Самарқанд вилоятини ривожлантиришнинг асосий иқтисодий прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2023 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	74 500,0
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	6,1
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	12,0
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	7,3
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	3,7
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	11,2

Xalq deputatlari Samarqand viloyat
Kengashining
2022 yil 29 dekabrdagi
VI-79-250-7-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

2023 йил учун Самарқанд вилоятининг вилоят бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари

Т/Р	Даромад турлари	Жами
ЖАМИ		**2 195 520 090, 0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	355 186 100,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 028 032 940,0
3	Акциз солиғи, жами	116 021 900,0
	шу жумладан:	
	- якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	*116 021 900,0*
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	55 025 300,0
5	Юридик шахслар ер солиғи	91 414 350,0
6	Давлат божи	257 764 000,0
7	Давлат ташкилотлари фойда солиғи	1 381 000,0
8	Давлат мулки обьектларини сотишдан олинган даромадлар	25 000 000,0
9	Жарималар	182 732 000,0
10	Йиғимлар	82 962 500,0

Xalq deputatlari Samarqand viloyat
Kengashining
2022 yil 29 dekabrdagi
VI-79-250-7-0-K/22-son qaroriga
3-ilova

2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўм

№	Кўрсаткичлар	миқдори
Харажатлар миқдори, Жами		**4 391 775 468,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 346 724 876,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**413 259 289,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**1 631 791 303,0**
1.	**Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси**	**331 779 422,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	161 419 713,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	170 359 709,0
2.	**Самарқанд вилояти Мактабгача таълим бошқармаси**	**119 154 793,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 992 113,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	113 162 680,0
3.	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси**	**1 382 701,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 382 701,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**912 119 442,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	814 538 342,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	97 581 100,0
5.	**Самарқанд вилояти Маданият бошқармаси**	**55 520 846,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	55 520 846,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

6.	**Самарқанд вилояти Спортни ривожлантириш бош бошқармаси**	**80 599 359,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	80 599 359,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Самарқанд вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**34 099 349,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	29 553 349,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	4 546 000,0
8.	**Самарқанд вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**3 234 107,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 234 107,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Самарқанд вилояти Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси**	**231 476 823,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	214 176 823,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	17 300 000,0
10.	**Самарқанд вилояти Транспорт бошқармаси**	**3 178 501,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 178 501,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	**Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси**	**7 033 750,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 033 750,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	**Самарқанд вилояти Туризмни ривожлантириш бошқармаси**	**12 523 789,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 523 789,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Самарқанд вилояти Ўрмон хўжалиги бошқармаси**	**30 291 128,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	30 291 128,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	**Самарқанд вилояти Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	**5 240 000,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 240 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**Самарқанд вилояти Монополияга қарши курашиш бошқармаси**	**1 907 347,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 907 347,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	**Самарқанд вилояти Давлат активларини бошқариш агентлиги**	**1 750 355,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 750 355,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	**Самарқанд вилояти Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси**	**1 907 234,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 907 234,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18.	**Самарқанд вилояти Қурилиш бошқармаси**	**3 183 322,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 183 322,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19.	**Самарқанд вилояти Инвестициялар ва ташқи савдо бошкармаси**	**10 995 171,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 995 171,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20.	**Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси**	**12 661 769,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 661 769,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21.	**Самарқанд вилояти иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси**	**14 575 363,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	14 575 363,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22.	**Молия бош бошқармаси**	**1 702 276 689,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	70 485 386,0
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	1 631 791 303,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23.	**Самарқанд вилояти ҳокимлиги**	**577 866 783,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	567 556 983,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	10 309 800,0
24.	**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Самарқанд вилоятидаги муассасалар**	**35 135 256,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	35 135 256,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25.	**Халқ депутатлари Вилоят Кенгаши**	**4 608 570,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 608 570,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26.	**Самарқанд вилояти сайлов комиссияси**	**63 028,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	63 028,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27.	**Давлат архиви бошқармаси**	**5 857 388,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 857 388,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28.	**Самарқанд вилояти Маънавият ва маърифат маркази**	**2 585 549,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 585 549,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29.	**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Самарқанд вилояти бошкармаси**	**2 724 955,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 724 955,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30.	**Самарканд вилоят Оила ва хотин-кизлар бошкармаси**	**1 703 926,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 703 926,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31.	**Бошқа ташкилотлар**	**8 909 910,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 909 910,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32.	**Самарқанд вилояти Маҳалла ва нуронийларни қуллаб-қувватлаш бошқармаси**	**2 116 406,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 116 406,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33.	**Узбекистон Республикаси Пиллачилик ва коракулчилик ривожлантириш кумитасининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими**	**257 833,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	257 833,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34.	**Президент таълим муассасалари агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими**	**83 847 939,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	83 847 939,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35.	**Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими**	**74 110 868,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	74 110 868,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36.	**Ўзбекистон Республикаси Усимликлар карантини ва химояси агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими**	**14 917 277,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	14 917 277,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	**Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими**	**178 520,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	178 520,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Xalq deputatlari Samarqand viloyat Kengashining
2022 yil 29 dekabrdagi
VI-79-250-7-0-K/22-son qaroriga
4-ilova

2023 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёри

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	якуний истеъмол-чиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Йиғимлар (божхона йиғим-ларидан ташқари)	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари
1	Самарқанд шаҳри	15	15	10	10	22	10	100	100
2	Каттақўрғон шаҳри	100	100	50	100	60	60	100	100
3	Оқдарё тумани	100	100	100	10	45	30	100	100
4	Булунғур тумани	100	100	100	100	70	50	100	100
5	Жомбой тумани	50	50	50	100	50	40	100	100
6	Иштихон тумани	100	100	100	100	70	50	100	100
7	Каттақўрғон тумани	100	100	50	50	75	55	100	100
8	Қўшработ тумани	100	100	100	100	55	60	100	100
9	Нарпай тумани	100	100	100	100	75	60	100	100
10	Пойариқ тумани	100	100	50	100	80	50	100	100
11	Пастдарғом тумани	100	100	50	100	75	40	100	100

12	Пахтачи тумани	100	100	100	100	70	60	100	100
13	Самарқанд тумани	40	40	20	10	25	10	100	100
14	Нуробод тумани	100	100	100	100	40	70	100	100
15	Ургут тумани	100	100	100	100	70	50	100	100
16	Тайлоқ тумани	40	40	100	100	45	40	100	100

Xalq deputatlari Samarqand viloyat
Kengashining
2022 yil 29 dekabrdagi
VI-79-250-7-0-K/22-son qaroriga
5-ilova

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2023 йилги даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари

минг сўм

Т/р	Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
	ЖАМИ	**2 763 268 216,0**	**4 395 059 519,0**
1	Самарқанд шаҳри	450 114 316,0	544 228 925,0
2	Каттақўрғон шаҳри	82 769 100,0	151 028 950,0
3	Оқдарё тумани	127 877 600,0	187 174 632,0
4	Булунғур тумани	135 546 500,0	232 195 006,0
5	Жомбой тумани	130 879 200,0	199 391 161,0
6	Иштихон тумани	158 413 900,0	275 407 784,0
7	Каттақўрғон тумани	181 755 250,0	264 899 362,0
8	Қўшработ тумани	97 116 850,0	184 823 860,0
9	Нарпай тумани	138 623 600,0	245 802 594,0
10	Пойариқ тумани	168 940 300,0	328 799 859,0
11	Пастдарғом тумани	258 433 250,0	385 921 440,0
12	Пахтачи тумани	118 963 600,0	214 388 226,0
13	Самарқанд тумани	171 608 100,0	241 357 612,0

14	Нуробод тумани	129 130 200,0	204 598 885,0
15	Ургут тумани	264 015 200,0	525 492 986,0
16	Тайлоқ тумани	149 081 250,0	209 548 237,0

Xalq deputatlari Samarqand viloyat
Kengashining
2022 yil 29 dekabrdagi
VI-79-250-7-0-K/22-son qaroriga
6-ilova

2023 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўм

Т/р	Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
	ЖАМИ	**1 631 791 303,0**
	шундан	
1	Самарқанд шаҳри	94 114 609,0
2	Каттақўрғон шаҳри	68 259 850,0
3	Оқдарё тумани	59 297 032,0
4	Булунғур тумани	96 648 506,0
5	Жомбой тумани	68 511 961,0
6	Иштихон тумани	116 993 884,0
7	Каттақўрғон тумани	83 144 112,0
8	Қўшработ тумани	87 707 010,0
9	Нарпай тумани	107 178 994,0
10	Пайариқ тумани	159 859 559,0
11	Пастдарғом тумани	127 488 190,0
12	Пахтачи тумани	95 424 626,0
13	Самарқанд тумани	69 749 512,0
14	Нуробод тумани	75 468 685,0
15	Ургут тумани	261 477 786,0
16	Тайлоқ тумани	60 466 987,0

Xalq deputatlari Samarqand viloyat
Kengashining
2022 yil 29 dekabrdagi
VI-79-250-7-0-K/22-son qaroriga
7-ilova

2023 йил учун вилоят бюджет, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турадиган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори

минг сўм

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**36 279 000,0**
	шундан	
1	Вилоят бюджети	13 275 000,0
2	Самарқанд шаҳри	3 415 000,0
3	Каттақўрғон шаҳри	973 000,0
4	Оқдарё тумани	965 000,0
5	Булунғур тумани	1 212 000,0
6	Жомбой тумани	1 045 000,0
7	Иштихон тумани	1 359 000,0
8	Каттақўрғон тумани	1 297 000,0
9	Қўшработ тумани	984 000,0
10	Нарпай тумани	1 306 000,0
11	Пойариқ тумани	1 698 000,0
12	Пастдарғом тумани	1 805 000,0
13	Пахтачи тумани	1 159 000,0
14	Самарқанд тумани	1 422 000,0
15	Нуробод тумани	1 116 000,0
16	Ургут тумани	2 085 000,0
17	Тайлоқ тумани	1 163 000,0